

Ҳаж қилишга сабаб бўлган дрон



17:00 / 19.07.2022 3997

Гана давлатида яшовчи фақир отахоннинг уйи ёнига National Geographic каналига тегишли тасвирга оладиган дрон келиб тушди. Орадан бироз вақт ўтгач каналга тегишли туркиялик журналистлар гуруҳи дронни излаб фақир кишининг олдига келдилар. Қарашса, дрон отахоннинг қўлида экан. Отахон уни эгаларига кулган ҳолда топширди ва соддаларча самимият билан: «Сизларда мени ҳаж қилиш учун Маккага олиб бора оладиган бундан каттароқ ҳажмда самолёт борми?», деб сўради. У бу гапларни юмшоқ табассум ила айтдида, сўнг дронни эгаларига топширди. ОАВ вакиллари дронни олиб ортларига қайтиб кетдилар. Журналистлардан бири бўлиб ўтган воқеани нашр этди. Мақолада кекса, фақир отахоннинг суратини жойлади. Ушбу расм канал идорасига етиб борди. Канал маъмурияти отахон билан боғланиб, у кишининг ҳаж қилиши учун керакли барча сарф-ҳаражатларини ўз зиммасига олди.

Субҳаналлоҳ!

Аллоҳ таоло фақир бир бандасининг ҳаж қилиш орзусини рўёбга чиқариш учун дронни ўша отахоннинг уйи ёнига тушишини ирода қилди. Аллоҳ бўл дедими, тамом, ўша иш албатта бўлади.

Агар Аллоҳ таоло сизга яхшилиқни ирода қилса, У Зот сиз учун ёзган ишларни амалга ошириш, орзуларингизни рўёбга чиқариш учун дунёнинг ҳаммасини сизга бўйсундириб, хизматингизга қоим қилиб қўяди. Шундай экан, Аллоҳ билан бирга бўлинг! Бутун дунё сизни хўрласа ҳам Аллоҳдан умидингизни узманг!

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

نُوكَيْفَ نُنْكُهُ لَ لَوْ قَيِّ نَأْ أَيْ شَدَارًا إِذْ هُمْ أُمَّنًا

«Қачон бирон нарсани ирода қилса, Унинг иши «Бўл!» демоғи, холос. Бас, у нарса бўлур» (Ёсин сураси, 82-оят).

Ирода қилинган нарса нималигининг фарқи йўқ. У хоҳ бепоён осмон бўлсин, хоҳ ер бўлсин, хоҳ бошқа махлуқлар бўлсин, уни яратиш Аллоҳ учун иш эмас. Унинг иши фақат «Бўл!» дейиш, холос, у бўлаверади. Шунингдек, ўликларни тирилтириши ҳам «бўл» дейиш билан бўлади. Бунга ҳеч шубҳа қилмаслик керак. Ким шубҳа қилса, хато қилади. Ўзига жабр қилади.

Аллоҳ таоло барчамизни фақат Ўзидан умид қиладиган бандалардан айлаб, умидсизликдан, тушукунликдан асрасин!

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Хуршид Маъруф тайёрлади